В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИМУРАДОВА ДУРДОНА ХАМИДЖОНОВНА

ДИНАМИК СИСТЕМАЛАРНИНГ ЧЕГАРАЛАНМАГАН ЛИМИТ ТЎПЛАМЛАРИ

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

УДК: 517.91/517.93

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of thesis abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИМУРАДОВА ДУРДОНА ХАМИДЖОНОВНА

ДИНАМИК СИСТЕМАЛАРНИНГ ЧЕГАРАЛАНМАГАН ЛИМИТ ТЎПЛАМЛАРИ

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/FM558 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Азамов Абдулла** физика-математика фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	**Жамилов Уйғун Умурович** физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим
	Ахмедов Одилжон Сахибжонович физика-математика фанлари номзоди, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	**Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети**

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 12 » ноябр соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В.И.Романовский номидаги Математика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (123 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40.

Диссертация автореферати 2021 йил « 25 » октябр куни тарқатилди.
(2021 йил « 25 » октябр даги 2 -рақамли реестр баённомаси).

У.А.Розиков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К.Адашев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.н., катта илмий ходим

Р.Р.Ашуров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раиси ўринбосари,
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотларда узлуксиз ва дискрет вақтли динамик системалар кенг ўрин эгаллайди. Ахборот-коммуникацион технологиялар даврининг бошланиши динамик системалар назариясининг ривожланишини янги босқичга олиб чиқди. Бир томондан табиат, техника, иқтисодиёт, тирик организмлардаги жараёнларнинг катта қисми динамик системалар кўринишида моделлаштирилади ва шунинг учун динамик системалар математик моделлаштиришнинг самарали воситасига айланди. Иккинчи томондан, компьютер технологияси мураккаб, айниқса чизиқли бўлмаган динамик системаларни ўрганишга кенг татбиқ қилина бошланди. Бу йўналиш ривожланиши натижасида ҳисоблаш динамикаси соҳаси вужудга келди. Дифференциал тенгламалар системаси кўринишида моделлаштирилган муайян жараённи узоқ муддатли прогноз қилишда динамик системалар лимит тўпламларининг хоссалари муҳим роль ўйнайди. Шу сабабдан динамик системаларнинг лимит тўпламлари, хусусан чегараланмаган лимит тўпламлари хоссаларини тадқиқ этиш динамик системалар назариясидаги муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар динамик системаларнинг лимит тўпламларини топиш ва уларнинг тузилишини тавсифлаш, бошқарилувчи жараёнларни моделлаштириш ва дифференциал тенгламалар назарияси билан боғлиқ тадқиқотларда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Динамик системалар учун чегараланган лимит тўпламларнинг назарияси етарлича ўрганилганлигига қарамасдан ушбу назариядаги натижалар ҳаётий жараёнларнинг узоқ муддатли табиатини тадқиқ этиш имконини бермайди. Хусусан, уч ўлчовли системалар аттракторларини тавсифлаш масаласи бугунги динамик системалар назариясининг долзарб муаммосидан бири. Аттракторлар лимит тўпламлар оиласи бўлгани учун лимит тўпламларни чуқур тадқиқ этиш бу ўринда муҳим ёндашувни ташкил этади. Бу борада текисликдаги ва фазодаги динамик системалар чегараланмаган лимит тўпламларининг топологик хоссаларини аниқлаш, шу жумладан экологик, физик ва кимёвий жараёнларни моделлаштириш ҳамда оптимал бошқарув назарияси масалаларини ечишда фойдаланиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган геология, биология, математика ва физика фанларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, физик, механик, экологик, техник, кимёвий ҳамда иқтисодий жараёнларни узоқ вақт оралиғидаги табиатини ўрганиш имконини берувчи динамик системаларнинг сифат назариясини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди ва салмоқли натижаларга эришилди.«Дифференциал тенгламалар ва математик физика, динамик системалар назарияси ва математик моделлаштириш» фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда илмий натижалардан илм-фаннинг турдош соҳаларида фойдаланиш мақсадида динамик системаларнинг сифат назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4387-сон Қарори ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4708-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Динамик системалар назарияси ҳозирги давр математика фанининг жадал ривожланаётган соҳаларидан биридир. Унга буюк француз математиги А.Пуанкаренинг 1881-1886 йилларда нашр этилган тўртта рисоласида асос солинган. У бу тушунчага осмон механикаси муаммоларини, асосан Ойнинг ҳаракатини ўрганиш муносабати билан келган. Динамик системалар назарияси А.М.Ляпунов, И.Бендиксон, Дж.Биркгоф томонидан ривожлантирилган. Бунга А.А.Андронов ва у асос солган илмий мактаб вакилларининг ҳиссаси катта. Улар текисликдаги динамик системалар назариясини чуқур ривожлантирган. В.В.Немицкий, Н.П.Еругин, Ж.Сансоне, Ж.Сонг-ли илмий мактабларининг динамик системалар сифат назарияси бўйича ҳиссасини алоҳида таъкидлаш лозим. Динамик системаларнинг структуравий турғунлик назарияси вужудга келиши ва ривожланиши А.Андронов ва Л.С.Понтрягиннинг 1937 йилдаги мақоласи билан боғлиқ. Ушбу йўналиш Д.В.Аносов, С.Смейл, В.А.Плисс, М.М.Пейхото, Ф.Хартман ва бошқалар томонидан янада ривожлантирилди. Ҳозирги вақтда Барселона (Ж.Ллибре), Калифорния (Л.Чуа), Минск (Л.А.Черкас), Москва (И.В.Ильяшенко), Нижный Новгород (Л.П.Шильников), Рио-де-Жанейро (Ж.Палис), Ханчжоу

[1]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

(С.М.Хуан), ва бошқа шаҳарларда динамик системалар бўйича илмий мактаблар фаолият юритмоқда. 1950-80 йилларда Самарқанд шаҳрида халқаро миқёсда тан олинган И.С.Куклес раҳбарлигида илмий мактаб фаолият кўрсатган.

Динамик системалар назариясининг чуқур ривожланганига қарамасдан, тайин мисолларнинг сифат таҳлили мураккаб вазифалигича қолмоқда. Ҳаттоки текисликдаги динамик системалар учун ҳам кўплаб ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд (уларнинг бир нечаси А.Азамовнинг "Замонавий математиканинг долзарб муаммолари" 2019 номли қўлланмадаги мақоласида санаб ўтилган). Бошқа томондан ҳатто уч ўлчовли динамик системалар учун махсус нуқталар атрофида системанинг локал табиати тўла тавсифланмаган. Шу каби ҳолат лимит тўпламлар учун ҳам ўринли. Пуанкаре-Бендиксон теоремасига кўра текисликдаги системалар учун ихтиёрий лимит тўплам критик нуқта, лимит цикл, бир ёки бир неча махсус нуқта ҳамда уларни туташтирувчи сепаратрисаларниниг бирлашмасидан иборат бўлади. Лимит тўплам тушунчаси автоном бўлмаган системалар учун ҳам киритилган. Бу йўналишда Занг Ху текисликдаги уч турдаги системалар учун натижалар олган, Э.Д'Аниелло, С.Элайди дискрет динамик системалар учун лимит тўпламларни тадқиқ этган. Ж.Биркгоф томонидан киритилган абстракт динамик системалар учун лимит тўпламлар назарияси К.С.Сибирский томонидан ривожлантирилган.

Динамик системалар назариясининг энг долзарб муаммоларидан бири – Д.Гилбертнинг ўн олтинчи масаласининг иккинчи қисми ҳамон очиқлигича қолмоқда. Сўнги йилларда Ю.С.Иляшенко лимит цикллар сони чекли бўлиши билан боғлиқ натижалар олди, аммо юқоридан баҳолаш масаласи ҳали ҳал қилинмаган. Кўп ўлчовли системаларнинг лимит тўпламларига оид эса ҳозирги кунга қадар фақат саноқли натижалар мавжуд. Охирги пайтларда В.Ж.Лопез, Ж.Ллибре ва Ж.Э.Буэндиа томонидан юзаларда узлуксиз оқимлар ва аналитик вектор майдонларнинг лимит тўпламларининг топологик характеристикаси эълон қилинди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти В.И.Романовский номидаги Математика институти илмий-тадқиқот ишлари режасидаги ОТ-F4-84 «Полиномиал системалар учун дискрет-сонли метод ҳамда унинг циклик ва бошқарилувчи жараёнларни моделлаштиришга татбиқлари» (2017-2020 йиллар) ва Тошкент молия институтида фундаментал-тадқиқот дастури доирасидаги ОТ-Ф4-16 “Оптимал бошқарув масалалари ва графларда дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалалар назариясини ишлаб чиқиш” (2017-2020 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади текислик ва фазодаги динамик системаларнинг чегараланмаган лимит тўпламлари хоссаларини тавсифлаш ҳамда лимит тўплами берилган хоссаларга эга бўлган икки ва уч ўлчовли динамик системалар қуришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

динамик системаларнинг чегараланмаган лимит тўпламлари хоссаларини ўрнатиш;

текисликдаги аналитик динамик системалар лимит тўпламлари қуввати (боғлиқлик компоненталари сони)ни баҳолаш;

текисликда лимит тўплами боғлиқлик компоненталари сони чексиз кўп бўлган аналитик динамик система қуриш масаласини ечиш усулини ишлаб чиқиш;

уч ўлчовли фазода лимит тўплами тайин табиатга эга бўлган динамик системалар учун тескари масалани ҳал этиш;

Тадқиқотнинг объекти. Чегараланмаган лимит тўпламли рационал, аналитик ва полиномиал динамик системалар.

Тадқиқотнинг предмети. Узлуксиз вақтли динамик системалар назарияси, динамик системаларнинг сифат назарияси, тескари математик масалалар назарияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида динамик системалар назарияси, топология, дифференциал тенгламаларни ечишнинг сонли усуллари, шунингдек, компьютерли моделлаштириш фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

динамик системанинг лимит тўплами боғлиқли бўлмаса, у ҳолда унинг ҳар бир компонентаси чегараланмаган бўлиши исботланган;

текисликдаги аналитик системаларнинг лимит тўпламлари боғлиқлик компоненталари сони чекли ёки саноқли бўлиши исботланган;

текисликда лимит тўпламининг боғлиқлик компоненталари сони чексиз кўп бўлган аналитик динамик система мавжудлиги исботланган;

лимит тўплами ихтиёрий жуфт сондаги параллел тўғри чизиқдан иборат бўлган уч ўлчовли динамик система қуриш тескари масаласи ечилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси лимит тўплами чегараланмаган ва компоненталари сони билан боғлиқ хоссаларга эга динамик системалар қуриш методикаси ишлаб чиқилган ва конкрет мисолларга татбиқ этилган. Уч ўлчовли фазода лимит тўплами чегараланмаган динамик системалар фазовий портретини ясашга компьютер графикасини қўллаш усули ривожлантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги динамик системалар назарияси, топология, дифференциал тенгламаларнинг сифат назарияси ва ечишнинг сонли усулларидан фойдаланилгани, шу жумладан, теоремаларнинг қатъий ва тўлиқ исботлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улар динамик системаларнинг сифат назариясига янги ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса магистрларни тайёрлашда ҳамда динамик жараёнларни уларнинг узоқ вақт оралиғидаги табиати муҳим бўлган ҳолларда математик моделлаштиришда қўллаш имкони билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Динамик системаларнинг чегараланмаган лимит тўпламлари бўйича олинган натижалар асосида:

динамик системанинг лимит тўплами боғлиқсиз бўлган ҳолда унинг ҳар бир компонентаси чегараланмаган бўлишидан №Г00003440 рақамли «Кечикувчи дифференциал тенгламаларнинг сифат ва миқдорий хоссаларининг динамик системаларга қўлланилиши» мавзусидаги хорижий лойиҳада кечикувчи дифференциал тенгламаларнинг сифат табиатини аниқлашда фойдаланилган (Бирлашган Араб Амирликлари университетининг 2021 йил 14 сентябрьдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши кечикувчи дифференциал тенламаларнинг сифат хоссаларини топиш имконини берган.

текисликдаги аналитик системаларнинг лимит тўпламлари боғлиқлик компоненталари сони саноқли бўлишидан №ОТ-Ф4-02 рақамли «Математик физиканинг ҳолатлар тўплами чексиз бўлган моделлари термодинамикаси» мавзусидаги фундаментал лойиҳада физика ва биологиядаги эволюцион системалар характеристикаларининг катта вақт оралиқлари давомидаги асимптотикасини қуришда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 22-июндаги №04-04/01-168-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши физик, механик ва экологик системаларнинг табиатини узоқ муддатли прогноз қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 76 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Лимит тўпламларнинг чегараланганлик ва чегараланмаганлиги»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзусини тўла ёритиш учун зарур бўлган асосий таърифлар ва муҳим тушунчалар келтирилган. Шунингдек, динамик системалар лимит тўпламларининг бир нечта хоссаси баён қилинган.

Ушбу

$$\dot{x} = f(x), \quad x \in E \tag{1}$$

динамик системани қараймиз, бу ерда $f \in C^r(E)$ ва E тўплам $\mathbb{R}^n$ фазонинг очиқ соҳаси $(n \in \mathrm{N}^+, r \geq 1)$. Динамик системалар назариясида t ўзгарувчи вақт, E эса ҳолатлар фазоси сифатида қаралади.

Агар $x(t)$, $\alpha < t < \beta$, (1) системанинг ечими бўлса, у ҳолда $x(\cdot):(\alpha,\beta) \to \mathbb{R}^n$ акслантириш $\mathbb{R}^n$ фазода ориентацияланган эгри чизиқни аниқлайди. Бу эгри чизиқ ҳолатлар траекторияси ва E соҳа эса ҳолатлар фазоси деб аталади. (1) система E фазода берилган вектор майдон оқими сифатида ҳам қаралиши мумкин.

$\varphi(t, x_0)$ функция

$$\dot{x} = f(x), \quad x(0) = x_0$$

Коши масаласининг ечими ва Γ эгри чизиқ (1) системанинг шу ечимга мос тректорияси бўлсин.

1-таъриф. Агар (1) системанинг Γ траекторияси вақтга боғлиқ бўлмаса, яъни $\varphi(t, x_0) \equiv x_0 = const$ бўлса, у мувозанат ҳолати дейилади.

2-таъриф. Агар шундай $\{t_k\}$, $t_k \to +\infty$ кетма-кетлик топилиб, қуйидаги тенглик ўринли бўлса:

$$\lim_{k\to\infty} \varphi(t_k, x_0) = p,$$

у ҳолда $p \in E$ нуқта Γ траекториянинг ω-лимит нуқтаси дейилади.

Шу каби, агар $t_k \to -\infty$ да $\varphi(t_k, x_0) \to p$ бўлса, у ҳолда p нуқта Γ траекториянинг α-лимит нуқтаси дейилади.

3-таъриф. Γ траекториянинг барча ω-лимит нуқталари тўплами Γ нинг ω-лимит тўплами дейилади ва $\omega(\Gamma)$ каби белгиланади. Γ траекториянинг барча α-лимит нуқталари тўплами Γ нинг α-лимит тўплами дейилади ва $\alpha(\Gamma)$ каби белгиланади.

1-теорема. (1) система Γ траекториясининг α ва ω-лимит тўпламлари, $\alpha(\Gamma)$ ва $\omega(\Gamma)$, E ҳолатлар фазосининг ёпиқ қисм тўпламларидир. Агар Γ траектория $\mathbb{R}^n$ нинг компакт қисм-тўпламида ётса, у ҳолда $\alpha(\Gamma)$ ва $\omega(\Gamma)$ тўпламлар бўш бўлмаган, боғлиқ ва компакт қисм-тўпламлар бўлади.

2-теорема. Агар p нуқта Γ тректориянинг ω-лимит нуқтаси бўлса, у ҳолда (1) системанинг p нуқтадан ўтувчи Γ_p траекториясининг барча нуқталари ҳам Γ нинг ω-лимит нуқталари бўлади, яъни $p \in \omega(\Gamma)$ дан $\Gamma_{\boldsymbol{p}} \subset \omega(\Gamma)$ келиб чиқади. Шу каби $p \in \alpha(\Gamma)$ дан $\Gamma_{\boldsymbol{p}} \subset \alpha(\Gamma)$ келиб чиқади.

Диссертациянинг **«Динамик системалар лимит тўпламларининг чегараланмаганлик хоссалари»** деб номланган иккинчи бобида динамик системаларнинг чегараланмаган лимит тўпламларининг топологик хоссаларини ифодаловчи теоремалар берилган.

Қуйидаги динамик система берилган бўлсин

$$\dot{z} = f(z), \tag{2}$$

бу ерда $z \in \mathbb{R}^d$, $d \geq 2$.

Кейинги ўринларда (2) системанинг бирор $z(0) = \xi$ бошлағич нуқтадан ўтувчи тректориясининг ω-лимит тўпламини учун Ω каби белгилашдан фойдаланамиз. Лимит тўплами чегараланмаган ва боғлиқсиз динамик системалар учун қуйидаги натижа олинган.

3-теорема. Агар Ω тўплам боғлиқ бўлмаса, у ҳолда унинг ҳар бир боғлиқлик компоненталари чегараланмаган бўлади.

Бундан ташқари, текисликдаги аналитик системаларнинг Ω тўпламининг боғлиқлик компоненталари сонининг қуввати учун қуйидаги теорема олинган.

4-теорема. Ω тўплам боғлиқ бўлмасин. Агар Ω тўпламнинг ҳар бир боғлиқлик компонентаси камида битта сингуляр бўлмаган нуқтани ўз ичига олса, у ҳолда Ω нинг компоненталари сони кўпи билан саноқли бўлади.

5-теорема. C^∞ синфга тегишли ва Ω тўплами боғлиқлик компоненталари сони қуввати континиум бўлган динамик система мавжуд.

Цилиндр устида Ω тўпламининг компоненталари Кантор тўпламининг ҳар бир чегаравий нуқтасига мос кесишмайдиган нурлар бирлашмасидан иборат динамик система қуриш ёрдамида 5-теорема исботланган.

Диссертациянинг **«Чегараланмаган лимит тўпламли динамик системлар учун тескари масала»** деб номланган учинчи бобида Гамильтон функциясидан фойдаланиб, ω-лимит тўплами чегараланмаган ва берилган хоссаларни қаноатлантирувчи икки ва уч ўлчовли динамик системалар қуриш методлари баён қилинган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида олдиндан берилган ихтиёрий натурал n сони учун текисликда ω-лимит тўплами $4n$ та боғлиқлик компонентадан иборат рационал динамик система қурилган.

Қуйидаги рационал функцияни қарайлик:

$$f^0(x,y) = \frac{\left(R^2k^2 + x^2(y^2 - k^2)\right)\left(R^2k^2 + y^2(x^2 - k^2)\right)}{(x^6 + R^2)(y^6 + R^2)},$$

бу ерда R ва $k -$ мусбат параметрлар.

Берилган R ва $k = R\sin\dfrac{\pi}{4n}$ сонлари учун юқоридаги функция ёрдамида қуйидаги функцияни аниқлайлик:

$$F(x,y)=f^{0}(x,y)\cdot f^{1}(x,y)\cdot\ldots\cdot f^{n-1}(x,y),$$

бу ерда $f^{m}(x,y)=f^{0}\left(x\cos\frac{\pi m}{2n}-y\sin\frac{\pi m}{2n},\ x\sin\frac{\pi m}{2n}+y\cos\frac{\pi m}{2n}\right),\ m=1,2,\ldots n-1.$

Таъкидлаб ўтиш керакки, $F(x,y)=0$ тенгламанинг ечимлари ўзаро кесишмайдиган $4n$ та чизиқдан иборат бўлади.

$F(x,y)$ функциядан фойдаланиб, қуйидаги система

$$\begin{aligned}\dot{x}&=F_y(x,y)+\lambda F(x,y)F_x(x,y),\\ \dot{y}&=-F_x(x,y)+\lambda F(x,y)F_y(x,y),\end{aligned}\tag{3}$$

қурилган, бу ерда λ етарлича кичкина мусбат сон.

6-теорема. (3) системанинг $F(x,y)>0$ соҳада ётувчи траекторияларининг ω-лимит тўплами $F(x,y)=0$ чизиқдан иборат ва шунинг учун у $4n$ та боғлиқлик компонентасига эга бўлади (1-расм).



1-расм. $n=2$ учун (3) системанинг траекторияларидан бири ва унинг ω-лимит тўплами.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида мос равишда ω-лимит тўплами чексиз кўп боғлиқлик компонентасидан иборат ва 4 та тўғри чизиқдан иборат бўлган икки ва уч ўлчовли аналитик динамик системалар қурилган.

Текисликда Гамильтон системасини қўзғатиш усули орқали қуйидаги

$$\begin{aligned}\dot{x}&=F_y(x,y)-\lambda F(x,y)F_x(x,y),\\ \dot{y}&=-F_x(x,y)-\lambda F(x,y)F_y(x,y),\end{aligned}\tag{4}$$

система қурилган, бу ерда $F(x,y)=\psi(x,y)(1-y^2\cos x)$, $\psi(x,y)=(1+x^2+y^4)^{-1}$, $\lambda>0$.

(4) системанинг $Z=\left\{\left(x,y\right)\in\mathbb{R}^2 \mid 0<F(x,y)<1\right\}$ соҳанинг ихтиёрий (x_0,y_0) бошланғич нуқтасидан ўтувчи траекторияси $z\left(t\right)=\left(x(t),\, y(t)\right)$ бўлсин.

7-теорема. $z(t)$ траекториянинг ω-лимит тўплами $F\left(x,y\right)=0$ чизиқдан иборат бўлиб, у чексиз кўп боғлиқлик компоненталарига эга.

2-расмда $F(x,y)=0$ чизиқ ва $z(t)$ траектория тасвирланган.



2-расм. Чексиз кўп боғлиқлик компоненталарига эга аналитик система.

Навбатдаги натижа $\mathbb{R}^3$ фазода берилган

$$\begin{aligned}
&\dot{x}=-\sin y+\varepsilon\sin x(\cos x+\cos y),\\
&\dot{y}=\sin x+\varepsilon\sin y(\cos x+\cos y),\\
&\dot{z}=\left(1+\frac{z^2}{z^2+1}\right)\left(\sin^2\frac{y}{2}-\sin^2\frac{x}{2}\right).
\end{aligned}\tag{5}$$

аналитик система билан боғлиқ, бу ерда ε етарлича кичкина мусбат сон. Унинг траекториялари қуйидаги чегараланмаган соҳада ўрганилади:

$$\Pi=\left\{(x,y,z)\in\mathbb{R}^3 \,\Big|\, \left|y+x\right|<\pi,\ \ \left|y-x\right|<\pi\right\}.$$

$(x_0,y_0,z_0)\in\Pi/\left(0,\,0,\,0\right)$ нуқтадан ўтувчи траекторияни $\xi(t)=\left(x(t),\ y(t),\ z(t)\right)$ каби белгилаймиз.

8-теорема. $\xi(t)$ траекториянинг ω-лимит тўплами Oz ўқига параллел ва $(\pm\pi,\,0,\,0),\,(0,\,\pm\pi,\,0)$ нуқталардан ўтувчи тўртта тўғри чизиқдан иборат бўлади (3-расм).

Учинчи бобнинг учинчи параграфида чегараланмаган лимит тўпламли икки ва уч ўлчовли полиномиал системалар учун тескари масалалар қаралган.



3-расм. (5) системанинг фазавий портрети

9-теорема. Ихтиёрий мусбат бутун N сони учун траекториясининг ω-лимит тўплами N та боғлиқлик компонентадан иборат бўлган полиномиал динамик система мавжуд (4-расм).



4-расм. 7 та боғлиқлик компонентасига эга бўлган полиномиал система

Текисликда ω-лимит тўплами N та боғлиқлик компонентадан иборат бўлган полиномиал динамик система қуриш орқали 9-теорема исботланаган.

Параграфнинг иккинчи қисмида уч ўлчовли фазода лимит тўплами ихтиёрий жуфт сондаги компоненталардан иборат бўлган полиномиал динамик система қурилган.

Бу мақсадда берилган ихтиёрий $m \in \mathbb{N}$ сони учун

$$F(x,y) = G(x,y) / H(x,y)$$

функция киритилади, бу ерда

$$G(x,y)=\prod_{k=1}^{2m}\left(xCos\frac{\pi(2k-1)}{2m}+y\sin\frac{\pi(2k-1)}{2m}-\cos\frac{\pi}{2m}\right),$$

$$H(x,y)=(x^2+y^2+1)^{m+1}\cos^{2m}\frac{\pi}{2m},\quad x,y\in\mathbb{R}.$$

Сўнг $F(x,y)$ функцияси ёрдамида

$$\begin{aligned}&\dot{x}=-F_y-\lambda FF_x,\\&\dot{y}=F_x-\lambda FF_y,\\&\dot{z}=\left(1+\frac{z^2}{1+z^2}\right)\prod_{i=1}^{m}\left(y\cos\frac{\pi(2i-1)}{2m}-x\sin\frac{\pi(2i-1)}{2m}\right)\end{aligned}\tag{6}$$

система қурилган, бу ерда λ етарлича кичкина мусбат сон.

(6) система траекторияларининг табиати чегараланмаган $D=G\times\mathbb{R}$ соҳада ўрганилган, бунда $G=\mathrm{Int}\Gamma\setminus(0,0)$,

$$\Gamma=\left\{(x,y)\in\mathbb{R}^2\;\middle|\;x\cos\frac{\pi(2i-1)}{2m}+y\sin\frac{\pi(2i-1)}{2m}\le\cos\frac{\pi}{2m},\quad i=1,2,\dots,2m\right\}$$

– мунтазам кўпбурчак.

(6) системанинг бирор $\big(x(0),\ y(0),\ z(0)\big)\in D$ бошланғич нуқтадан ўтувчи траекторияси $\zeta(t)=\big(x(t),\ y(t),\ z(t)\big)$ бўлсин.

10-теорема. $\zeta(t)$ траекториянинг ω-лимит тўплами Oz ўқига параллел, $\left(\cos\frac{\pi k}{m},\ \sin\frac{\pi k}{m},\ 0\right)$, $k=1,2,\dots,2m$ нуқталардан ўтувчи $2m$ та тўғри чизиқдан иборат.

5-расмда $m=4$ ҳоли учун $\zeta(t)$ траектория ва уни ω-лимит тўплами тасвирланган.



5-расм. Лимит тўплами саккизта тўғри чизиқдан иборат бўлган уч ўлчовли полиномиал система

ХУЛОСА

Диссертация иши динамик системаларнинг чегараланмаган лимит тўпламларининг топологик хоссаларини тадқиқ қилишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Динамик системанинг лимит тўплами боғлиқли бўлмаса, у ҳолда унинг ҳар бир компонентаси чегараланмаган бўлиши исботланган.

2. Текисликдаги аналитик системаларнинг лимит тўпламлари боғлиқлик компоненталари сони чекли ёки саноқли бўлиши исботланган.

3. Силлиқ функциялар синфига тегишли, боғлиқлик компоненталари сони континиум бўлган динамик система мавжудлиги исботланган.

4. Гамильтон функцияси усули билан текисликда ва уч ўлчовли фазода лимит тўплами берилган хоссаларга эга бўлган рационал, аналитик ва полиномиал системалар қуриш масалалари ечилган.

SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING OF THE SCIENTIFIC DEGREES DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 INSTITUTE OF MATHEMATICS NAMED AFTER V.I. ROMANOVSKIY

NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN

RUZIMURADOVA DURDONA XAMIDJONOVNA

UNBOUNDED LIMIT SETS OF DYNAMICAL SYSTEMS

01.01.02-Differential equations and mathematical physics

ABSTRACT OF THESIS OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PHD) ON PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

TASHKENT-2021

The theme of thesis of doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2021.1.PhD/FM558.

Thesis has been prepared at National university of Uzbekistan.

The abstract of the thesis is posted in three languages (Uzbek, English, Russian (summary)) on the website http://kengash.mathinst.uz and in the website of "ZiyoNet" Information and educational portal http://www.ziyonet.uz/.

Scientific supervisor:	**Azamov Abdulla** Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Academician
Official opponents:	**Jamilov Uygun Umurovich** Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Senior researcher
	Axmedov Odiljon Saxibjonovich Candidate of Physical and Mathematical Sciences, Senior researcher
Leading organization:	**Turin Polytechnic University in Tashkent**

Defense will take place "12" November 2021 at 14:00 at the meeting of Scientific Council number DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 at Institute of Mathematics named after V.I. Romanovskiy. (Address: University str. 9, Almazar area, Tashkent city, 100174, Uzbekistan, Ph.: (99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz)

Thesis is possible to review in Information-resource center at Institute of Mathematics named after V.I.Romanovskiy (is registered №123). (Address: University str. 9, Almazar area, Tashkent city, 100174, Uzbekistan, Ph.: (99871)-207-91-40).

Abstract of the thesis sent out on «25» October 2021 year
(Mailing report № 2 on «25» October 2021 year)

U.A.Rozikov
Chairman of Scientific Council
on award of scientific degrees,
D.F.-M.S., Academician

J.K.Adashev
Scientific secretary of Scientific Council
on award of scientific degrees,
C.F.-M.S., Senior researcher

R.R.Ashurov
Deputy Chairman of Scientific seminar under
Scientific Council on award of scientific degrees,
D.F.-M.S., Professor

INTRODUCTION

Actuality and demand of the theme of the thesis. Continuous and discrete time dynamical systems play an important role in many scientific and practical researches around the world. The beginning of the era of information and communication technologies has brought the development of the theory of dynamical systems to a new level. On the one hand, most of the processes in nature, technology, economics, living organisms are modeled in the form of dynamical systems, and therefore dynamical systems have become an effective tool of mathematical modeling. On the other hand, computer technology has begun to be widely applied to the study of complex, especially nonlinear dynamical systems. As a result of the development of this direction, the field of Computational Dynamics has emerged. The properties of the limit sets of dynamical systems play an important role in the long-term forecasting of a particular process modeled in the form of a system of differential equations. For this reason, the study of the properties of limit sets of dynamical systems, in particular unbounded limit sets, remains one of the most important and urgent tasks in the theory of dynamical systems.

Current research around the world shows that finding limit sets of dynamical systems and describing their structure is important in research related to the modeling of controlled processes and the theory of differential equations. Although the theory of bounded limit sets of dynamical systems has been sufficiently studied, the results in this theory do not allow us to study the long-term behavior of natural processes. In particular, the problem of describing attractors of three-dimensional systems is one of the current problems of the theory of dynamical systems. Since attractors are a family of limit sets, an in-depth study of limit sets is an important approach here. In this regard, to determine the topological properties of limit sets of two- and three-dimensional dynamical systems, including using in modeling of environmental, physical, chemical processes and solving problems in the theory of optimal management is a targeted scientific research.

In recent years, in our country, more and more attention is paid to geology, biology, mathematics and physics, which have scientific and practical application to the fundamental sciences. In particular, special attention is paid to the development of the qualitative theory of dynamical systems, which makes it possible to study the long-term nature of physical, mechanical, ecological, technical, chemical and economic processes, and significant results have been achieved. Investigations on the international level in such important areas Differential Equations and Mathematical Physics, Theory of Dynamical Systems and Mathematical Modeling has been considered the main task of fundamental research[1]. In order to ensure the implementation of this decree, it is important to develop the qualitative theory of dynamical systems and use scientific results in related fields of science.

[1] Decree of Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan at the 2017 year 18 May « On measures on the organization of activities of the first created scientific research institutions of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan» № 292 dated May 17, 2017.

